



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
Зариф Юсупович Аминов Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
Шокиржон Шарипжонович Банноев Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
Shahloxon Shavkatovna Sharifova Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
Акмал Алимжонович Салимов Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Нозир Алиевич Ибрагимов Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
Зарина Ҳусановна Рафиева Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рўзибой Нормухоматов, Акрам Джуракулович Ғафуров Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
Раънохон Махмудовна Каримжанова Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
Музаффар Мусаевич Усмонов К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

Шухрат Маъруфжонович Исломов – СамИСИ доцент, иқтисодиёт фанлари номзоди,
Нодира Абдуллаевна Эшқувватова – СамИСИ, “Иқтисодиёт” йўналиши магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ФАОЛ БАНДЛИК СИЁСАТИ

Аннотация: Мақолада иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида республикада меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг фаол бандлик сиёсати ҳамда иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик натижалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори инфратузилмаси, иш билан бандлик хизмати, баҳолаш кўрсаткичлари, ишга жойлаштириш, эконометрик модель, меҳнат салоҳияти, ишсизлик даражаси.

Кириш. Ўзбекистонда иқтисодиётни етакчи соҳаларини модернизациялаш, инновациялар ва фан сиғими юқори бўлган тармоқларни ривожлантириш асосида иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Миллий меҳнат бозорида меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаоллигини ошириш кўп жиҳатдан давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ислохотлари билан белгиланади. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида жамият бир қатор муаммоларга юз тутиши кутилмоқда, булардан юқори малакали ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, инсонларни, хусусан, иқтисодий фаол аҳолининг ижодий қобилиятларидан максимал фойдаланиш, мамлакат ривожига ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш каби вазифаларга эришиш мақсадида миллий иқтисодиётни кадрлар сифат таркибини такомиллаштириш асосида иш билан бандлик инновацион турини шакллантириш масаласига урғу бериш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион ривожланиш шароитида меҳнат бозори иш билан бандликни тартибга солишда фаол рол ўйнайди. Мамлакатимизнинг инновацион ривожланиши мос равишда ижтимоий меҳнат соҳасидаги муносабатларнинг ривожланишини ҳам тақозо қилади. Бу эса меҳнат бозорини шакллантириш ва уни самарали ривожлантиришни зарурат этиб кўяди. Муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмийлик билан боғлиқ»¹. Шунга кўра, мамлакатимизда «янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблиги ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш»² долзарб масала ҳисобланади.

Республикада ёки унинг танлаб олинган ҳудудидаги меҳнат бозори инфратузилмаси таркибий қисмлари самарадорлиги унинг истиқбол кўрсаткичлари ёрдамида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш дастурлари, концепциялари ва амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг аниқ йўналишлари белгиланади. Шунинг учун белгиланадиган истиқбол кўрсаткичлари аниқлик, ҳисоб-китоблилик, асосланганлилик, текширилганлик ва кўп омилилик каби хусусиятларга эга бўлиши керак.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Қ.Х.Абдурахмоновнинг «Меҳнат иқтисодиёти» дарслигида меҳнат бозори сифат хусусиятининг энг муҳим мезони унинг инфратузилмаси ривожланиш даражаси эканлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, таркибий қисмлари элементлари, асосий вазифалари ва функцияларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, меҳнат бозори

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб- интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қондириши керак. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

² «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 4.1-банд.

муносабатлари тизимига махсус органларнинг қўшилишида улар ўртасида зиддиятлар бўлмаслигини таъминлаш, турли-туман иқтисодий воситалар ва усуллар, ҳуқуқий нормалар ёрдамида иш билан бандлик жараёнлари ва сиёсатини ташкил этиш ҳамда тартибга солишни таъминлаш зарурати асослаб берилган¹.

О. Колесникованинг «Об оценке эффективности работы службы занятости» мақоласида меҳнат бозори инфратузилмаси тушунчасининг моҳияти, унинг функционал элементлари, таркибий қисмларининг таснифи ва ўзаро алоқадорлиги ёритиб берилган ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси даражалари ва функциялари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун оптимал усуллардан фойдаланиш зарурати қисман асосланган².

С. Смирновнинг «Методы оценки государственной политики занятости» мақоласида иш билан бандлик давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, давлат иш билан бандлик сиёсатини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичлари, иш билан бандликни таъминлаш ва иш жойларини рағбатлантириш механизми, аҳолини самарали иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тадқиқ этилган³.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг ҳудудлар бўйича параметрларини тизимли истиқболлаштириш ва мониторинг қилиш механизмларини аниқлаш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда эконометрик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Меҳнат соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади аҳолининг муносиб меҳнат ва муносиб иш ҳақини шакллантириш, инсон капиталини ривожлантириш, узлуксиз касбий малака ва меҳнат унумдорлигини ошириш ва тадбиркорлик руҳини яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши меҳнат бозорига ҳам катта босим ўтказиб, иш билан бандлик масаласини янада кескин қилиб қўймоқда.

Юртимизда 2021 йил 1 август ҳолатига доимий аҳоли сони 35 млн. кишини ташкил қилиб, таҳлилларга кўра, 2030 йилда мамлакат аҳолиси 41 миллион кишидан ошади. 2020 йилда мамлакатимизда 841 минг киши туғилган (24, 6 промилле) бўлиб, ҳар йили меҳнат бозорига 500 мингдан кўпроқ ёшлар кириб келиши аҳолининг иш билан бандлик масаласини муҳим устувор масала қилиб қўймоқда.

Яқин вақтга қадар аҳоли бандлиги ва меҳнат бозорига оид кўрсаткичлар меҳнат бозоридаги реал ҳолатни акс эттирмас ва ҳисобот учун рақамларни “сохталаштириш” ҳолатларини кузатиш мумкин эди. Мамлакатимизда яқин вақтгача меҳнат ва бандлик соҳасидаги илмий изланишларни амалга оширувчи, мувофиқлаштирувчи ягона илмий-тадқиқот институти мавжуд эмаслиги ушбу соҳага жиддий эътибор берилмаганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон Қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Меҳнат бозори тадқиқотлари институти ташкил этилганлиги аҳолининг иш билан бандлиги масаласи давлат сиёсатининг муҳим устувор аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Ўзбекистонда 2021 йил 1 октябр ҳолатига меҳнат ресурслари 19, 3 млн. киши, жами иш билан бандлар 13, 6 млн. киши, шу жумладан иқтисодиётнинг расмий секторида 6, 1 млн. киши (40, 7%), иқтисодиётнинг норасмий секторида 5, 9 млн. киши


¹ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарс лик). - Т.: «Меҳнат», 2009. -512-б.

² Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости. // «Человек и труд», 2002, № 3. -С. 55-56.

³ Смирнов С. Методы оценки государственной политики занятости. // «Вопросы статистики», 1998, -№ 4. -С. 29-34.

(39, 6%), иктисодий нофаол аҳоли 4, 3 млн. киши, чет элда ишлаш учун кетганлар 1, 6 млн. киши ва ишга жойлаштиришга мухтож шахслар 1, 4 млн. кишини (9, 4%) ташкил қилган.

Норасмий бандликнинг юқори даражаси табиийки иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалигига тўғри келиб, бу соҳада банд бўлганларни расмийлаштириш ва ортиқча ишчи кучини эса бошқа соҳаларга ўтказиш бўйича кенг ишларни амалга оширишни тақозо этади (1-расм)



1-расм. Норасмий бандларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича структураси, %¹


Норасмий бандликни легаллаштириш мақсадида, айниқса, ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва уларнинг меҳнат стажини ҳисоблаш учун БХМнинг 1 баравари миқдоридан (270 минг сўм) ижтимоий солиқ тўлашлари белгиланди. Энг муҳими эса уларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмаслиги катта имтиёз бўлиб, бу расмий меҳнат фаолиятининг норасмийликдан афзал эканлигини таъминлайди.

Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун 68 фаолият (ишлар, хизматлар) турлари тасдиқланган бўлиб, уларни янада кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Натижада, 2021 йил 1 июл ҳолатига 852, 4 минг нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилди (шундан 310, 1 минг нафарини 30 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади) ва йил якунида уларнинг сони 1 млн. кишидан ошиши кутилмоқда.

Сўнгги йилларда норасмий бандлик даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида унинг улушининг қисқариш тенденцияси кузатилмоқда (2-расм). Мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилишни меҳнат ресурсларини бошқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш лозим ва унинг потенциалидан ҳали тўла фойдаланилмаган. Меҳнат бозоридан инклюзивликни таъминлаш, аҳолининг барча қатламларини меҳнат фаолиятига жалб қилиш, жумладан, ёшлар, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан бандлигига қўмаклашиш бандлик сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади.

Улар учун алоҳида дастур ва чора-дастурлар қабул қилиниши натижасида аҳолининг ушбу гуруҳларини меҳнат фаолиятига фаол жалб этишга эришилмоқда. 2021 йилнинг 1-ярим йиллиги бўйича жами иш билан бандликда ёшларнинг улуши 31, 3 фоизни, ишсизлик улуши эса 15, 2 фоизни ташкил қилиб, ўртача ишсизлик даражасидан 1, 55 марта кўплигини кўрсатмоқда. (3-расм).

¹ http://web.stat.uz/open_data/uz/14.1%20Structure%20of%20labor%20resources_uzb.pdf



2-расм. Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар сонининг ўзгариши динамикаси, минг киши¹



3-расм. Ёшларнинг бандлик ва ишсизлик кўрсаткичи динамикаси²

2021 йилда меҳнат бозори, профессионал стандартлар, тармоқ малакалар доиралари ва малака талабларининг ишлаб чиқилиши ҳамда янгилаб борилиши, малака ва билимларни баҳолаш миллий тизимининг халқаро миқёсда тан олиншини таъминлаш мақсадида Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ ва ҳудудий кенгашлар ташкил этилди. Covid-19 пандемиясининг иқтисодиётга салбий таъсирига қарамай, иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши, аҳолининг даромад манбаи бўлган иш билан бандлигини сақлаб туриш, оммавий ишдан бўшатилишларни олдини олиш, ходимларни масофавий иш усулида бандлигини таъминлаш ва бошқа кенг чора-тадбирлар асосида ишсизлик даражасининг ошиб кетмаслигига эришилди (4-расм).

Аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг уч босқичли тизimini шакллантириш бўйича:

- банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи ҳудудий «Ишга марҳамат» мономарказлари;
- мамлакатнинг барча ҳудудларида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфида туман ва шаҳар касб-ҳунарга ўқитиш марказлари;
- маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этилди.

Рақамли иқтисодиётнинг меҳнат соҳасига кенг жорий этилиши натижасида хоҳлаган одам ҳеч қандай ортиқча сарф-харажат ва вақтни тежаган ҳолда ҳтп: //иш. меҳнат. уз/ сайти орқали вилоят, туман (шаҳар) кесимида ўз соҳа йўналиши, касб, таълим даражаси бўйича ҳамда исталган маош ҳажми доирасида вакант иш жойлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши ва ишга жойлашиш имкониятига эга бўлди.

¹ <https://mehnat.uz/oz>

² <https://mehnat.uz/oz>



4-расм. Ишсизлик даражасининг ўзгариши динамикаси¹

Янги технологиялар электрон рўйхатга олиш, интеграциялашган ва автоматлашган ҳолда хизмат кўрсатиш сифатида инсон омили, унинг иштирокини имкон даражада камайтириб, иқтисодий бирликларнинг трансакцион харажатларини камайтиришга, иқтисодий фаолиятни расмийлаштириш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар. Меҳнат соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади аҳолининг муносиб меҳнат ва муносиб иш ҳақини шакллантириш, инсон капиталини ривожлантириш, узлуксиз касбий малака ва меҳнат унумдорлигини ошириш ва тадбиркорлик руҳини яратиш ҳисобланади.

Бу эса ўз навбатида маъмурий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ижобий амалга ошириш натижасида, иқтисодиётнинг бошқа соҳа ходимларининг ҳам иш ҳақиларининг ошишига, уларнинг ҳам ички, ҳам ташқи меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишларини белгилайди.

Бунинг учун қуйидаги тадбирларни эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз:

- ✓ давлат томонидан иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларни рағбатлантириш, бу эса янги иш жойларини яратишнинг асосий шarti ҳисобланади;
- ✓ янги иш жойлари ташкил этилганда тадбиркорларга ва кичик бизнес корхоналарига солиқ имтиёзлари бериш;
- ✓ ўз-ўзини ижтимоий зарур меҳнат билан банд қилишни рағбатлантириш;
- ✓ кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликда инвестицион фаолликни рағбатлантириш асосида шарт-шароитлар яратиш, бу кўплаб мамлакатларда аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим услуби сифатида ўрганилмоқда;
- ✓ таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ ишсиз қолган ёки ишидан ажралиб қолиш хавф солаётган шахсларнинг иш излашларини фаоллаштириш мақсадида касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларга ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳоли иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари бўйича хорижий амалиётлар тажрибасини илмий тадқиқ ва таҳлил этиш мазкур давлатлар тажрибасининг илғор, республикамиз учун қулай бўлган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда, аҳоли иш билан бандлик даражасини оширишнинг самарали, истиқболли йўналишларини аниқлаш ва амалиётда қўллаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий- иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

¹ <https://mehnat.uz/oz>

2. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 4.1-банд.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: «Меҳнат», 2009. -512-б.
4. Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш (Монография). – Т.: «Fan va texnologiya», 2017, -272-б.
5. Холмўминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2016. -332-б.
6. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2007-2016 йиллардаги статистик тўплам.
7. Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости. // «Человек и труд», 2002, № 3. -С. 55-56.
8. Смирнов С. Методы оценки государственной политики занятости. // «Вопросы статистики», 1998, № 4. -С. 29-34.
9. <http://tsue.uz/?p=12549>
10. <https://stat.uz/uz/>
11. <https://mehnat.uz/oz>

<p>Ш.Исламов, Н.Эшқувватова Активная политика занятости трудовых ресурсов в цифровой экономике.</p>	<p>Sh.Islamov, N.Eshquvvatova Active employment policy of labor resources in the digital economy</p>
<p>Аннотация: В статье рассмотрены результаты активной политики занятости и экономической и социальной устойчивости повышения эффективности развития инфраструктуры рынка труда нашей республики в условиях инновационного развития экономики.</p> <p>Ключевые слова: инфраструктура рынка труда, служба занятости, показатели оценки, занятость, эконометрическая модель, трудовой потенциал, уровень безработицы.</p>	<p>Abstract: The article considers the results of active employment policy and the economic and social sustainability of improving the efficiency of infrastructure development of the labor market of our republic in the context of innovative economic development.</p> <p>Keywords: labor market infrastructure, employment service, evaluation indicators, employment, econometric model, labor potential, unemployment rate.</p>

Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov – FarPI tayanch doktoranti

O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING RIVOJLANISH TAHLILI

<p>Annotatsiya: Maqolada raqamli iqtisodiyot mamlakat iqtisodiy tarmoqlarini rivojlantirishning asosiy omili sifatida qaralgan. Turli xorijiy davlatlarning raqamli iqtisodiyot dasturlari tahlil qilingan. Raqamli iqtisodiyotni samarali tashkil etish va yo‘lga qo‘yish usullari o‘rganilgan. Raqamli iqtisodiyotda inson faoliyatining yetakchi tarmoqlarini samarali rivojlantirishning eng muhim shartlaridan biri – tegishli institutsional muhitni shakllantirishga asosiy e‘tibor qaratilayotganligidan kelib chiqib raqamli iqtisodiyotni muvaffaqiyatli rivojlantirish uchun asosiy amalga oshirilishi kerak islohotlar, kadrlar va bilimlardan foydalanish shartlari belgilab berildi.</p> <p>Kalit so‘zlar: iqtisodiy rivojlanish; raqamli iqtisodiyot; strategiya; axborot texnologiyalari; raqamlashtirish; raqobatbardoshlik; milliy dastur; internet; biznes; texnopark; tadbirkorlik; startup.</p>
--

Kirish. Bir qancha rivojlangan davlatlar globallashuv jarayonini, jamiyatda innovatsion hamda raqamli texnologiyalarning o‘zgarish tendensiyalarini hisobga olgan holda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yo‘lida tizimli harakatni boshladilar. Shunday harakatlardan bastlabkilari bugungi kunda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda yetakchi bo‘lgan davlatlar – AQSH va Xitoy tomonidan amalga oshirildi. Ulardan so‘ng raqamlashtirish jarayoniga aloqador dasturlarni Angliya, Yevropa Ittifoqi mamlakatlari, Avstraliya va boshqalar qabul qildi. Hozirgi vaqtda iqtisodiyotning raqamli transformatsiyasini qo‘llab-quvvatlovchi davlat dasturlari ko‘plab mamlakatlarda keng tarqalgan. Shu jumaladan O‘zbekiston iqtisodiy ijtimoiy hayotida raqamli texnologiyalarni joriy qilish, biznesda, davlat boshqaruvida raqamlashtirish jarayonini jadallashtirish uchun mamlakatimizda ham aynan shunday dastur va qonun hujjatlari qabul qilingan hisoblanadi.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023